


Она юртинг — олтин бешигинг



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 60 (6802)
1997 йил, 6 август, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Бобонар Бешиги

СЕНИНГ ВАТАНИНГ — ЮРАГИНГДЕК БИТТА

Сен Ватан тушунчасини қанчалик чуқур тушунсанг, шунча улуг одам буласан. Уни нечоғлик севсанг, ушанча қудратли ва енгилмас буласан.

Сенинг Ватанинг — онанг каби ягона. Қушларга парвоз қилиб сайрашга, олисларни куришга, жонини қутқаришга қанот берилган. Жониворларга қочиб улгуришга туртта оёқ берилган. Сенинг қанотинг, кучқувватинг — Ватанингдир. Сенга уни ардоқламоқ учун меҳр тула юрак берилган. Юрагининг устига секин қулингни қуйсанг, уни «дук-дук» ураётганини эшитасан. У фақат бир жойда уряпти, у ягона. Худди юрагинг каби Ватан ҳам бир жойда булади. У ҳеч қачон, ҳеч қаерга сени ташлаб кетмайди.

Оёқчаларинг босиб турган тупроқни қадимдан кунчиқар мамлакат деб атаганлар. Бу — бахтли мамлакат деганидир.

Шундай юртлар борки, у ерда болалар ойлаб қуёшни курмайдилар. Яна шундай жойлар борки, ширинтойлар бир парча оқ қорни ҳам курмайдилар. Бунинг учун улар айбдор эмас. Оддийгина қилиб тушунсанг, уларнинг юрти шундай иқлимда жойлашган. Сенинг она Ватанинг эса энг гузал, энг бой, энг муқаддасдир. Ҳар тонг қуёшга туриб салом бер. Яшил майсаларга меҳр билан тикил. Туйиб-туйиб нафас ол! Ватанинг номини, кимлигингни юрагингга гурур билан жойлаб ол.

— Сен — мустақил Ўзбекистон фарзанди — узбексан. Сен мусулмонсан. Шарқдансан, осиеликсан.

Атрофингдаги доғда-рахтлар, гуллар, гиёҳлар, сайроқилар, парранда-юдаррандалар, ҳайвонлар

бари-бари сенинг қулингга қараган. Сен уларга шафқатли бул. Чунки улар ҳам сенинг Ватанингда яшяпти, сенга бегона эмас.

Болажон! Сен Ватанингни кишанларсиз, зулматларсиз курдинг. Пешонанг ёруғ экан. Унинг олдидаги бурчларинг ҳақида ҳали куп гаплашамиз. Фақат ёруғ ва осуда, эркин ва хур Ватанни куриш учун туғилган кузларингга тикилиб, сенга ҳавас қилсалар арзийди. Сен — Ватанда шоҳсан.

Унутма, Сенинг Ватанинг — юрагингдек битта!



Ўн олтига етган қизлар



Нафиса, синглим, эндигина ўн олти ёшга кирибсан. Сен ўзингдаги ҳавасни буюк муҳаббатга йўйяпсан. Ҳали сенинг сирли муҳаббатинг олдинда, сен фақат ўша муҳаббатни кут. У бир куни сен кутмаган бир лаҳзада кириб келади. «Сен ҳали гўдаксан, шаҳзодангни кут», — деган кўшиқни эсла...

ФАҚАТ УНИ ЎЙЛАЙМАН

Ёшим ун олтида. Ҳамма си мактабимизга янги келган мусиқа ўқитувчисининг ниҳоятда хушмуомалалигидан бошланди. У ҳар гал дарсга кирганда гуёки, фақат менга тикилиб утиргандай туюларди. Ниҳоятда келишган бу ёш ўқитувчимиз утган йили олийгоҳни тугатиб, бизнинг мактабга мусиқадан сабоқ бериш учун келган...

Мен уни севиб қолганимга бутунлай ишонч ҳосил қилдим. Ёзги таътилнинг 2 ойини зурга утказдим. Куз олдимда мусиқа ўқитувчим менга тикилиб тургандай бўлаверди.

Нима қилай, унга хат ёзмаммикан? Агар хат ёзсам бундан бутун мактаб хабар топса-чи? Унда нима бўлади?

Бутун ҳаёлим узимда эмас, туну-кун фақат уни ўйлайман. Нима қилай, бирор йул кўрсатинг. Маслаҳатингизга муҳтожман.

**НАФИСА,
Учкўрғон.**

ҲАВАС ДЕБ ДЎСТИМДАН АЙРИЛДИМ

Сайёра менинг энг яқин дугонам ва дўстим эди. Ҳар қандай оғир кунимда у менга қарашар, юрагимдаги дардларимни айтиб, мазза қилардим. Мана олти ойдирки у мен билан мутлақо гаплашмай қўйган. Уйлаб, уйлаб сиқилиб кетдим. Охири сизнинг газетангизга ёзишга қарор қилдим. Балки, Сайёранинг қўлига газета тушиб, ўқиб қолса, мени тушунар?

Келинг, яхшиси бир бошдан айтиб бера қолай...

Сайёра қўшни мактабдаги бир йигит билан хат ёзишар эди. Баъзан у хатларни мендан олиб бориб беришимни илтимос қиларди. Мен унинг гапини қайтара олмай, элтиб берардим.

Бир куни хат ташлаб келарканман, Сайёранинг севган йигити: «Мумкинми, сизга икки оғиз гапим бор эди», — деди.

Мен ҳайрон бўлиб тўхтадим. Йигит менинг қўлимга хат тутқазиб: «Фақат узингиз ўқинг, жавобини кутаман» —

деганча кетиб қолди. Дарҳол хатни очиб ўқидим. Очиб ўқидиму, севинчимдан титраб кетдим. Сайёранинг йигити менга севги изҳор қилган эди. Қизиқ, ҳалигача тушунмайман, нега яқин дугонамнинг севган одами менга кунгил қўйганидан бунча суюндим экан ушанда? Ёки худбинманмикан?

Ҳар ҳолда эртаси куни Сайёра бундан хабар топди-ю, менга тикилиб: «Виждонсиз!» — деди-да, жаҳл билан ортига бурилиб кетди.

Орадан сал вақт ўтмай, ҳалиги менга севги изҳор қилган йигит бошқасини топиб кетди. Уртада Сайёра билан муносабатимиз бузилгани қолди. Аллақандай ҳавас деб дўстимдан айрилиб қолдим.

Мен Сайёра билан гаплашиш учун қанча йўл изламайин, у мендан шунча узоқлашиб кетяпти. Барча тенгдош дугоналаримнинг ҳавас йўлига кириб, яқин дўстларидан ажралиб қолмасликларини истардим.

Мана келгуси йили мактабни тугатамиз. Наҳотки, Сайёра мен билан ҳеч қачон гаплашмаса?

Сайёранинг олдида узимни қандай оқлай?

**ШОДИЯ,
Кизилтепа.**

Шодияжон. Бунчалар самимий, бунчалар ростгўйсан-а. Ҳаётда нималар бўлмайди. Албатта, ҳамма ҳам адашади. Мана, мустақил ҳаёт бўсағасида турибсан. Сен қилган хатоингдан пушаймондасан. Сайёра яқинда сенинг меҳринг, соғинчингга қўшилиб ёнингга келади. Агар у ҳам қачондир сенга боғланиб қолган бўлса, сени дўст деб атаган бўлса, албатта сени тушунади.

АКШАЙНИНГ МАНЗИЛИНИ БИЛМАЙСИЗМИ?

Мен буйил унинг синфга ўтдим. Уртача баҳоларга

ўқийман. Дарсдан буш қолди дегунча, ҳинд филмларини томоша қиламан. Биласизми, бутун синф қизлари менинг устимдан кулишади. Мен гуёки, Акшайнинг жинниси эмишман. Нима қилай, мен бу ҳинд актёрини шунақа севаманки, суз билан тасвирлаб беролмайман. Мактабни тугатиб, қандай бўлмасин, Ҳиндистонга бораман ва Акшайжонимни топиб, унга турмушга чиқаман. Ҳозирча унинг манзилни изляяпман. Сизлардан утиниб сурайман. Акшайнинг манзилни топишга ёрдам беринг. Унга хат ёзмоқчи эдим.

Хурматли тахририят ходимлари, сиз ҳам менинг устимдан кулманг, мени тўғри тушунинг. Уз севгимга эришимизга кумаклашинг.

**МАҲЛИЁ,
Андижон.**

Маҳлиёхон, сенинг санъатга бўлган қизиқишинг, юрагинга қайсидир актёрни яқинлаштириб қўйган бўлса, ажаб эмас. Ҳечқиси йўқ, сендаги бу оташин туйғулар ўтиб кетади. Сен албатта, Акшайни эмас, ўзингни топасан.

БУТУН СИНФ УСТИМДАН КУЛДИ

Биз уйимизни сотиб, бошқа кучадан ҳовли олдик. Мактабимни ҳам алмаштиришга тўғри келди. Янги мактаб менга жуда ёқди. Синфдошларим бирам маданиятли, меҳрибонки, асти қуяверасиз. Барчамизака-ука, опа-сингилдек бўлиб ўқиб юрган кезларимиз синфдошимиз Нусрат менга инглиз тилидан ёрдамлашадиган бўлди. Дарсдан сўнг қолиб иккаламиз анча мутолаа қилдик. Худо ҳақи ҳеч қанақа гап-суз орамиздан ўт-

мади.

Кунлардан бир кун шамоллаб, бир ҳафта дарсга қатнаша олмадим. Соғайиб чиққач, мактабга қайтдим. Биласизми, синфга кирганимда барча синфдошларим мендан ҳол сураш урнига, хўмрайиб олишди. Мендан нима айб ўтди экан деб, роса куп уйландим. Танаффусга чиқишим биланоқ ортимдан бутун синф нимадир деб хоҳоллаб куладиган одат чиқарди. Мактабдан, ўқишдан кўнглим совиб бораверди. Бир куни синфбошимиз Нусрат яқин уртоғи Карим билан гап таллашиб қолишди-ю мен ҳамма сирдан хабардор бўлдим. Ҳалигина сизга Нусрат менга инглиз тилидан қарашган эди, деган эдим. Ҳамма бало ушандан кейин бошланган экан. Эмишки Нусрат мен билан юрар экан. Мен унинг буйнига осилиб, сенсиз яшолмайман деган эмишман. Бу ёлғондан бошим айланиб кетди. Нусратнинг юзига бир шапалоқ туширганимни биламан, бошқа ҳеч нарсани билмайман. Кузимни очганимда уз уйимда ётардим. Онажоним бошим тепасида йиғлаб утирар эдилар.

Наҳотки дунёда шунақа ёлғончи, гийбатчи йигитлар ҳам бўлса?!

Ярим йил мутлақо мактабга қатнамадим, энди умуман ўқишни ташламоқчиман.

**ЗАЙТУНА,
Сурхондарё.**

Сингилжон, ҳали сенинг келажагинг олдинда. Нега энди сен бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдиришинг керак. Ўзингнинг бокира, покизалигингни кўрсатиш учун ҳам ўқишинг шарт.

ЯНГИ ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йилнинг 1 августидан бошлаб ун, қанд-шакар, усимлик ёғи ва сариеғ, қуруқ суг ва болалар овқатини чакана ва майда улгуржи тартибда сотиш, мулкчилик шаклларида қатъи назар, фақат тургун

савдо корхоналари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

ХОРИЖДАН КЕЛГАН ХУШҲАБАР

Улугбек номидаги Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси қошида ташкил этилган «Умид» болалар фольклор рақс ансамбли жамоаси уз маҳоратини ошириш, ранг-баранг дастурлар яратиш устида тинмай изланмоқда. Куни ке-



ча Туркиянинг Истамбул шаҳридан хушхабар келди. Албания, Кипр, Польша, Руминия, Туркия, Ўзбекистон ва қозоғистонлик ёш санъаткорлар иштирок этган биринчи халқаро бола-

лар фестивалида «Умид» ансамбли фахрли биринчи уринни эгаллади.

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИГИ

Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов табрик йўллади. Унда «Сизлар дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ўқиб, жаҳон андоза-

лари даражасида билим олиб, энг замонавий касбхунар урганиб, озод ва обод Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишида муносиб ҳисса қўшасизлар деган умиддамиз. Бунинг учун ҳаёт синовларига бардош бериш, жамиятда узингизга муносиб урин топиш, юксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш талаб этилади», дейилади. Бу Сиз ёшларга курсатилаётган катта ишончдир.



ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗИ АМЕРИКАДА ҲАМ ҲАМ

Америка Қушма Штатларига қарашли «Акселс» ноҳукумат ташкилотининг Қорақалпоғистон пойтахтидаги бўлими Оролбуйи ёшларига хорижий тилларни ургатиш, уларнинг чет элларда, биринчи навбатда АҚШда таълим олишларига имкон яратиш борасида катта ишларни бажармоқда. «Акселс»нинг ҳиммати билан Қорақалпоғистондаги бир қатор усмирлар сирасида Нукусдаги 36-урта мактаб ўқувчиси Майя Сафаровага ҳам омад кулиб боқди: мураккаб тест имтиҳонлари якунларига кура у Америкадаги мактаблардан бирида таълим олиш ҳуқуқини қулга киритди.

Тенгдошимиз Майяни табриклаймиз!!!

ШИРИНЛИК ЕБ ЧАРЧАМАЙДИГАН ШОҲДИЛ

Ширинлик еб чарчамайди-ган Шоҳдил билан дуконга кирдик. Унинг кузи дарров «сер скалад»га тушди ва қулмдан маҳкам ушлаб, уша томонга судради.


— Аяжон «сер скалад» олиб

на ойнасидан муралаган ойни куриб:

— Аяжон, ой бечора-а, — деди.

— Нега?

— Уйи йуқ, кучада ётади-ку?!



беринг. (Унинг сер скалад дегани устида шернинг сурати бор шоколад. «Ш» ҳарфини айтолмагани учун юқоридагидек айтади). Шоҳдилга шер шкаладдан бир дона олиб бердим. Дукондан чиқиб келарканмиз, у негадир пиқиллаб йиғлай бошлади. Ундан нега йиғлаётганини сурасам, нима дейди денг:

— Йиғлаётган мен эмас, скаладим, нега менинг дустим йуқ деб йиғлапти.

— Яна қанақа дуст? — хайрон бўлиб сурадим.

— Сиз иккита скалад олиб берганингизда улар дуст буларди, бирга уйнардди, энди булса бир ўзи, — деб кучанинг уртасида «Сер скалад»нинг дардини айтиб бақириб йиғлай бошлади.

Бир кечаси Шоҳдил ётоқхо-

на ойнасидан муралаган ойни куриб:

— Аяжон, ой бечора-а, — деди.

— Нега?

— Уйи йуқ, кучада ётади-ку?!

Бир куни Шоҳдил боғчасидан бир даста гул олиб келди. Мен ундан бу гулни нима қилишини сурадим. У эса гоз туриб:


— Қизлайга беламаман, — деди.

— Менга-чи, менга ҳам берақол, — дедим уни синаш учун.

— Вой, сиз қиз бола эмас, аясиз-ку, — менга жон куйдириб тушунтирди у.

ҲАЛИМА тайёрлади.

ТУШЛАРИМГА РАНГЛАР КИРАДИ



ди, шеърлар ҳам ёзармишлар. Ойим айтдилар бу гапни менга. Менинг чизиб утирган расмларимни куриб, «вуй, яхши чизаркансан, рассом буласанми», — дедилар. Бир-икки марта ургатдилар ҳам. Тугрисини айтсам, менга ҳикоя, эртақ ёзиш ҳам ёқади. Бир марта курган тушимни ойимларга айтиб берган эдим, ойим уша заҳоти: «Жуда чиройли туш курибсан, қани шунини ёзишга уриниб кур-чи», — дедилар. Мен уша тушимни «Денгиз ва копток» деб ёзиб ҳам куйдим. Расм чизишни ҳам яхши кураман. Ранглар галати тилда гапира бошлади. Оқ ранг энг яхши курган куйлагимни эслатади. Қора рангнинг осмони, оймомоси, юлдузлари бор. Мовий рангни чизмоқчи булсам

тушларимга кириб чиқаверади. Қоғозда расм чизаётганимда унча қийналмайман. Аммо кунтим йуқроқ. Куп утириб чизиш урнига баъзан кучага чиқиб кетиб қоламан. Қуёшнинг чиқиши, ботишидаги оловранглар сеҳрли. Баъзан шеър ҳам ёзгим келади: мана сиз ҳам эшитинг-а:

Нодира оппоқ ойим,
Кўзлари бир мулойим.
Ўзи ширин, ўзи шакар
Катта раҳмат ойижоним.

Бу укамга аталган шеърим. Яқинда укамнинг расмини чизмоқчиман. Чизиб тугатсам, сизларга юбораман. Босиб чиқарасизларми?

НОЗИМА РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 110-мактаб ўқувчиси.

«Г»

Дадаси Ғайратжонга кичкинагина, чиройли магнитофон сотиб олиб берди.

Дуконда сотувчи билан гаплашаркан, «га-

Ғайратжон магнитофон қутчасини ағдар-тунтар қилиб курди. Ҳаммаси жойида эди. Магнитофон ҳам, микрофону-кассета-лари ҳам... Пекин гарантияси куринмасди...

Иқтисодиёт сабоқлари

тилида «таъминлаш» деган маънони билдирар экан. Яъни бирон жиҳоз ё буюмнинг маълум муддатгача ишлаши ва тузатиб берилиши ҳақидаги шарт ва кафолатлар ҳам гарантия деб аталаркан.

САБОҚЛАРИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ!

Эркин УСМОНОВ.

«А» ДАН «Я» ГАЧА...

рантияси борми» деб суради. Сотувчи аёл ҳам «бор, албатта гарантияси бор» деб жавоб берди.

Уйга келишгач,

Дадасидан сурагани, у кулди ва «гарантия» нималигини тушунтириб қуйди.

Маълум бўлишича, ГАРАНТИЯ дегани франсуз



Қийин жумбоқ



Мавзунжоннинг оғзи гапдан
 Бўшмайди.
 Нега бошқа болаларга
 Ўхшмайди?
 Гапни гапга қовуштирмас.
 Гапирганда.
 Ҳеч сўз демай туриб олар,
 Гап берганда.
 «Товба!» дея қулишади.
 Ота-она.
 Кимсан Мавзун сергап эмиш
 Номи яна.

Катта бўлиб қолдинг, ахир,
 Ёшинг бешда.

Мен ҳам сиздек бола эдим,
 Минг хаёлга борар эдим.
 Машинам ҳам бўлар эди,

МЕН ҲАМ СЕНДЕК БОЛА ЭДИМ,—

дейди шоир бобонгиз Толиб Йўлдош

* * *
 Бобомларнинг гаплари бу!
 «Балли болам!
 Сизлар билан гуллаб яшна

Газни босиб учирардим.
 Бир лаҳзада ерни кўкка,
 Кўкни ерга кўчирардим.
 Бир кун кимдир,—
 Тўхта! — деди.
 Тормоз бериб
 Шарт тўхтатдим.
 Қарасам-чи,
 милиционер...
 Қарписида тошдек
 қотдим.
 — Бундай қувиб
 хайлама-да.
 — Кечирасиз, — дедим
 аста.
 — Шундай бўлсин яхши
 йигит.
 Танишволдик бирпасда.

Ишончу сурур,
 Ҳамма-ҳаммаси
 Сувдан барқарор.
 Сувдан келажак
 Яқин, барқ урар.
 Сув билан кулар
 Орзу ўйимиз.
 Сув билан ўтар
 Шодлик тўйимиз.
 Сув билан соғлом
 Бўлиш аввалам:
 Сувни ҳеч исроф
 Қилманглар, болам!



Кўҳна олам.
 Ҳали ёшсиз
 Улғаясиз,
 Кучга тўлиб.
 Оқ-қорани айирасиз,
 Мулла бўлиб.
 Ватан ва халқ
 Мехри сизни
 Кучиб қўллар.
 Куёш нури
 Келажакка
 Чорлар йўллар.

ШАПАЛОҚ

Дадам мени чақириб,
 Бир шапалоқ урдилар.
 Урдилару, негандир,
 Юзларини бурдилар.
 Кулоқларим шанғилиаб,
 Кўзим тинди, ҳа шунга.
 —«Ўғлим, сени урдим мен
 Келарсан деб хушинга.
 Яхши гап-ла пайпаслаб
 Эркалатиб юбордим.»
 Дадам тўғри қилдилар
 — «Кечиринг деб
 ёлбордим».

* * *

Эрга-кечми бир гап бўлса.
 Эй, нечгани шўри қулар?
 Роса қойил киши экан.
 Гоҳ тўртгайиб, гоҳи кулар.
 У ҳовлиқиб югуришлар,
 Ўйлаб кўрсам хаёл экан,
 Мени кўрган катта-
 кичик.
 Бу ишимга ҳайрон экан...

СУВ

— Сув! — деса чанқаб
 Турганимизда.
 Мақсад сари йўл
 Юрганимизда,
 Қани-қани, бер,
 Деймиз, баробар.
 Сувда шу қадар,
 Улуғ ҳикмат бор.
 Сув— бу тириклик
 Борлигимиздир.
 Бахт ва иқболга
 Ёрлигимиздир.
 Сув бўлса ҳамма
 Ишимиз унар.
 Ҳар томчи сувда
 Бир олам кулар.
 Кўзимизга нур.
 Дилларга гурур,
 Ғайрат, жасорат

Акс садо

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

«Тонг юлдузи» газетасининг 19 июль сонидида босилган «Болалар қачондан газета ўқимай қўйишди?» — сарлавҳали мақолани эътибор билан ўқиб чиқдим. Унда билдирилган танқидий фикрлар бизнинг Жиззах вилоятига ҳам тула тааллуқлидай туюлди назаримда. Негаки, обуна масаласида вилоятимиз мактабларида ташкилотчилик етишмаяпти. Бу борада имкониятлар жуда кўп. Айрим ҳолларда газета-журналларга обуна бўлишда турли хил тўсиқларга ҳам дуч келиб қоламиз. Масалан, йил бошида «Тонг юлдузи» газетасига барча синфлар фақат олти ойга обуна бўлишди. Еттинчи ойдан бошлаб газета яқка тартибда обуначиларга умуман келмай қўйди.

Мақолада маблағ топиш масаласида қизиқарли мисоллар келтирилган. Бу борада менинг ҳам айрим таклифларим бор. Мактабларнинг юқори синф ўқувчилари қишлоқ ҳужалик ишларида ҳар йили қатнашадилар. Лекин ҳужаликлар уларнинг ишлаб топган ҳақларини нақд пулда тулай олишмаяпти. Биргина бизнинг мактабдан А. Икромов номли деҳқон-фермер ҳужалиги 87 минг сўм қарздор. Ана шу маблағ ўқувчиларни обуна қилишга сарфланса, нур устига аъло нур буларди. Бу билан ҳужалик раҳбарлари ёшлар маънавияти юксалишига арзигулик ҳисса қўшган буларди.

Ўрозбоқ ПАРДАЕВ,
 Жиззах вилояти,
 Пахтакор туманидаги
 Улуғбек номли 3-ўрта
 мактаб ўқитувчиси.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
 ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
 ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУ-
 РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон
 ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
 ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компютерида терилди ва
 саҳифаланди. Оффсет усулида
 босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
 Буюртма — Г-0520.
 10960 нусхада босилди.
 Қогоз бичими — А-3.
 Босишга топшириш вақти 19.00
 Топширилди — 18.30
 Навбатчи муҳаррир Х.Рустанова.

• Руйхатдан утин тартиби
 № 000137
 • Манзилимиз: 700083,
 Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси,
 32-уй.
 • Нашр кўрсаткичи: № 64563
 • Телефон: 33-44-25

